

НОСТАНДАРТ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

подполковник Мадумаров Р.С.,

майор Юлдашев Ф.Б.

Тошкент ОУҚБЮ

Малака ошириш факультети

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены методы и способы развития креативного и нестандартного мышления.

Таянч сўзлар: ностандарт тафаккур, ностандарт фикрлаш, креатив фикрлаш, ижодий фикрлаш, мантикий фикрлаш, ностандарт фикрлаш усуллари.

“Тафаккур – бу инсоннинг асосий имконият манбаидир. Келажагимизнинг қандай бўлиши бизнинг тафаккуримизга бутунлай боғлиқ”.

Эдвард де Боно, британиялик психолог ва ёзувчи, ижодий фикрлаш бўйича эксперт

Бир куни университет ўқитувчиси Қироллик Академияси Президенти, физика фани бўйича Нобел мукофоти совриндори Эрнест Резерфордга бир масалада ёрдам сўраб, мурожаат қилади. У бир талабасига физика фанидан имтиҳонда энг паст баҳо қўймоқчи эканлигини, лекин талаба бу бухога рози эмаслигини айтади. Уларнинг ҳар иккиси - ўқитувчи ҳам, талаба ҳам учинчи бир холис шахснинг фикрини сўраб қўришга рози бўладилар. Улар бу масалада Резерфордни танлайдилар. Имтиҳонда берилган савол қуйидагича эди: “Барометр ёрдамида бино баландлигини қандай ўлчаш мумкинлигини тушунтиринг”.

Талабанинг жавоби қуйидагича эди: “Барометр билан бинонинг томига чиқиб, узун арқонга барометрни боғлаб, пастга тушириш, сўнгра уни яна юқорига қўтариб, арқон узунлигини ўлчаш лозим, шу узунлик бинонинг баландлигини кўрсатади”.

Вазият мураккаб эди, ўз навбатида, жавоб ҳам тўлиқ ва тўғри бўлган. Бошқа бир томондан, имтиҳон физика фанидан бўлган, бироқ жавоб эса бу соҳада қўллаш мумкин бўлган билимларга унчалик мос келмас эди.

Резерфорд талабадан жавобни яна бир марта такрорлашни сўўрайди. Тайёргарлик учун олти дақиқа ажратиб, талабага жавобда физик қонуниятлар акс этиши лозимлигини тайинлайди. Беш дақиқа ўтгунга қадар талаба имтиҳон варақасига ҳеч нарса ёзмайди. Резерфорд талабадан имтиҳонни топшириш ёки топширмаслигини сўраганида, у муаммонинг бир неча ечими борлигини, шунчаки улар орасидан энг мақбулини танлаётганини айтади. Қизиқиши ортган Резерфорд вақт тугамаган бўлса ҳам, ёш талабадан жавобни айтишини сўрайди. Саволга энди қуйидагича жавоб янграйди: “Барометр билан бинонинг томига чиқинг ва барометрни ипга боғлаб, пастга

ташланг, тушиш вақтини белгилаб қўйинг. Сўнгра формуладан фойдаланиб, бино баландлигини ҳисоблаш мумкин”. Шунда Резерфорд ўз ҳамкасби – ўқитувчидан жавобнинг маъқул бўлган ёки маъқул эмаслигини сўрайди. Ўқитувчи жавоб қониқарли эканлигини тан олади. Бироқ, талаба бир неча жавобни билишини эслатади ва қолган жавобларни ҳам айтишини сўрайдилар.

- Барометр ёрдамида бино баландлигини ўлчашнинг бир неча усуллари мавжуд, - деб бошлайди талаба.

- Масалан, қуёшли кунда кўчага чиқиб, барометр ва унинг сояси узунлигини ўлчаш мумкин. Худди шунингдек, бино соясининг узунлиги ҳам ўлчанади. Сўнг оддий пропорцияни ҳисоблаш орқали бинонинг узунлигини ҳам топиш мумкин.

- Ёмон эмас, - деди Резерфорд. – Бошқа усуллар ҳам борми?

- Ҳа. Жуда оддий усул бор, бу усулнинг сизларга ёқиб қолишиги ишончим комил. Барометрни қўлингизга олиб, зинадан кўтариласиз. Барометрни деворга тираб, белгиларқўйиб борасиз. Белгилар сонини барометр узунлигига кўпайтирб, бино баландлигини билиб оласиз. Бу энг ажойиб усул.

- Агар сал мураккаброқ усулни хоҳласангиз, - давом эттирди у, - барометрга ип боғлаб, уни маятник каби тебратиб, бинонинг асоси ва томида гравитацион катталикни аниқланг. Бу катталиклар орасидаги тафовутдан бино баландлигини ҳисоблаш мумкин.

- Ниҳоят, - якунлади талаба, - бошқа кўпгина усуллар орасида бу масаланинг энг маъқул ечими шуки, барометрни олиб, бино бошқарувчисини топиш ва унга: “Жаноб бошқарувчи, менда ғаройиб барометр бор. Шу бинонинг баландлигини айт сангиз, уни сизга тухфа қиламан” – деб айтиш.

Шунда Резерфорд талабадан наҳотки бу масаланинг ҳаммағаммаълум бўлган ечимини билмаслигини сўради. У ечимни билишини тан олди, бироқ ўқувчиларга ўз фикрлаш усуллари рўқач қилиб, шундай фикрлашга мажбурловчи ўқитувчилардан зерикканини, шунинг учун ўзи тўғри деб ҳисоблаган жавобни айтганлигини таъкидлади.

Бу талаба буюк физик, Нобел мукофоти совриндори Нильс Бор (1885-1962) эди.

Ностандарт фикрлаш – бу ихтиёрий вазиятдан чиқиш мақсадида ноизчил ва ҳатто, мантиқсиз усуллар орқали ноодатий, янги, энг маъқул қарорларни излаб топа олишқобилиятидир.

Ностандарт фикрлаш – бу мантиқан тўғри таҳлилий фикрлашдан фарқли ўлароқ, образли (таъсирчан) фикрлаш ҳамдир.

Мантиқий фикрлаш – бу инсоннинг темир йўл ёқасида туриб, олдидан елдек учиб ўтаётган поезд вагонлари кетма-кетлигини кузатиб тургани кабиدير. Муҳим қарор вагонлар таркибинингохирида келиши мумкин.

Мантиқий фикрлаш олдин ўзлаштирилган тажрибалар чегарасидан чиқмайди, фақат айна ҳозирги вақтни қамраб олади.

Ер юзасининг аксарият аҳолиси вакиллари мантикий фикр юритадилар. Бу оддий ҳаётий формула: “Ҳамма шундай қиялпими, демак, мен ҳам шундай қилишим керак”, - деган фикрни англатади.

Образли фикрлашни худди вертолётдаги инсоннинг юқоридан туриб, поезднинг паровозидан то охири вагонигача, ҳатто, ундан узоқроқни ҳам кузатаётгани каби тасаввур этиш мумкин. Яъни масала юқорироқ, теранроқ, кенгроқ, узоқроқ ва ҳар томондан кузатилади.

Ностандарт фикрлай олиш яхши хислат. Ностандарт фикрловчи киши ўз фаолиятида ва олдинги натижаларда ҳам қоқилмайди. У ўзига ҳеч ким кўлламаган, бошқалар учун ғайриоддий ва мантиксиз туюлган янгича йўллар, методлар ва усулларни қидиради. У фақат келажак билан яшайди. Бутун тараққиёт шундай кишилар ҳисобига амалга ошади. Бироқ бундай кишилар камдан-кам учрайди. Барча инсонлар маълум маънода ностандарт фикрлашга эга бўлиши мумкин:

- ижодий фикрлаш;
- креатив фикрлаш;
- янги ғояларни ўйлаб топиш имконияти;

ноодатий қарорларни ўйлаб топиш қобилияти.

Нима сабабдан кишилар ностандарт фикрлаш кўникмасини ривожлантиришни исташади? Бунга эришиш мумкинми? Ёки биз туғилганимиздаёқ бизга берилган ижод миқдори билан яшашга маҳкумизми? Ижодий фикрлашни ривожлантириш зарур экан, буни қандай амалга ошириш мумкин? Ижодий қобилиятга эга бўлишнинг оқибати нимадан иборат?

Дикқат! Ўз келажакнингиз ҳақида бир лаҳза ўйлаб кўринг. Сизни ўз келажакнингиз қандай бўлиши ўйлантиряптими? Ўзига хос ҳаёт кечиришни истасизми? “Бошқалардан фарқли” даромад эгаси бўлишни ҳоҳлайсизми? Ноёб касб эгаси бўлмоқчимисиз? Кўпчилик эриша олмаган нарсаларга эришиш истагидамисиз? Демак, сизнинг тафаккурингиз сиз ўзиб кетмоқчи бўлган кишиларнинг стандарт, ўртамиёна фикрларидан фарқ қилмоғи зарур.

А.Эйнштейн фараз қилиш кўникмасини билимдонликнинг энг юқори поғонаси деб ҳисоблаган, фаразсиз янгилик очиш мумкин эмаслигига ишонган.

Бас, балки орамизда инсоният ҳаётини ўзгартиришга қодир, буюк нимадир яратиш истагида бўлган кишилар бордир. Ҳеч бўлмаганда, ўз ҳаётини енгиллаштиришга уринган кишилар бўлиши мумкин. Ундай бўлса, буюк олим хитобларига амал қилиб, дарҳол ўз тасаввурингизни ривожлантиришга киришишингиз даркор.

Хўш, нима учун биз ностандарт тафаккурни шакллантиришимиз зарур? Бунинг сабабларини санаб ўтишимиз мумкин:

- сиз танлаган ҳар бир ишда муваффақиятга эришиш;
- ҳаётингиз ёрқин, қизиқарли ва бахтга йўғрилган бўлиши;
- кўпчилик топа олмаган ихтиёрий мушкул вазиятдан чиқиш йўлини топа олиш (Стивен Спилбергнинг “Индиана Жонс” фильмини эсланг, унда

бош қаҳрамон унга хиёнат қилганларида ҳам ёки қўлга тушганида ҳам доим ғолиб чиқувчи саёҳатчи ва археолог бўлади);

- доимо ҳазил-тойиба қилиш ва доим кўтаринки кайфиятда юриш имконига эга бўлиш;

- осонгина миллионер бўлиш, майли, ҳеч бўлмаса, шунчаки, бой бўлиш(ҳаётда, асосан, бой кишилар ностандарт фикр юритадилар);

- якин дўстлар қуршовида бўлиш (худди шундай ностандарт тафаккур билан). Менимча, одамлар кимнинг ностандарт тафаккури кучли бўлса, шундай кишиларга интилади.

Ҳозирги замонамиз HR-лари шундайфикрларни таъкидлайдилар (HR – ихтиёрий ташкилотдаги шундай мутахассиси, унинг мажбурияти ишчиларни танлаш, ривожлантириш, йўналтириш, ишдан бўшатишдан иборат): “Компания менежерларининг янги ғояларни кашф этиш қобилиятига компаниянинг келгусидаги тараққиёти бевосита боғлиқ”.

Ҳар қандай тижоратда шу каби лаҳзалар бўлади: маҳсулот сифати ва хизматларни кўтариш имкони йўқ, аммо унинг нарҳини эса ҳеч ҳам камайтириш мумкин эмас. Нима қилмоқ керак? Бундай пайтда тижорат учун янги ғоя излаб топиш ва ривожланишнинг янги босқичига чиқиш учун ностандарт тафаккурга эга ходимлар зарур бўлади. “Ностандарт фикрловчи” раҳбарлар – бу инқироз пайтида тижорат учун ноёбтопилмадир, аммо бундай раҳбарлар жуда кам учрайди. Шунинг учун уларнинг қиммати олтинга тенг. Шундай раҳбарлар тоифасига киришни истайсизми? Қизиқ, агар креатив ва ностандарт тафаккур долзарб бўлган кишилар рўйхати тузилса, уларга кимлар киради:

- компаниялар раҳбарлари ва топ-менежерлари (агар улар тижоратнинг жадал ривожланиши ва юқори даромад келтиришини хоҳласалар);

- ўз тижоратларининг доимо пешқадам бўлишини истовчи тижорат эгалари, тижорат тараққиётига маъсул директорлар, компаниянинг арт-директорлари;

- ўз фаолиятлари давомида агар улар учун жамоавий креативликни бошқаришни ўрганиш муҳим бўлса, жамоавий музокаралар (йиғилишлар, кенгашлар, мунозаралар, ақлий ҳужум тадбирлари) ўтказиш имкониятидан фойдаланувчи мутахассис ва раҳбар ходимлар;

- реклама агентликларида тижорат бўйича мутахассис-фрилансер бўлиб фаолият юритувчи ёки иш бошламоқчи бўлган мутахассислар ва “эркин ижодкорлар” (маслаҳатчилар, тренерлар, коучерлар, журналистлар ва бошқа мутахассислар);

- ихтиёрий ижод ва “ижодга яқин” касб вакиллари;

- янада оқилроқ, самаралироқ ва “илдамроқ” ишлашни хоҳловчилар;

- янада осон ва жўшқинроқ иш юритишни истовчилар;

- касбий фаолиятда ва мансабдатеэ юксалиш ва мартабага эришиш истагида бўлганлар;

- шахсий ҳаётида креатив усулларни қўллашни хоҳлаганлар;

- янгиликлардан хайратга тушадиган ва бошқаларни ҳам хайратга солишни истовчи кишилар ва бошқалар.

Қизиқ, нима учун айрим тоифа кишилар кашфиётлар қилиш ва янгиликлар яратишга қодир, бошқа бир тоифадагилар эса бундай қила олмасликларини шахсан сиз қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

Бугунги кунда биз айнан шу ҳақдаги тадқиқот ишларининг кўпгина саҳифаларида ўқишимиз мумкин.

Бугунги ғоя шундай кўринишга эга:

Бизнинг тафаккуримиз фикрлаш шаблонларини яратишга мос тузилган (устидан сув қуйилаётган қумни тасаввур қилинг: дастлаб сув кичик майдон бўйлаб сизади, кейин эса чуқурча ҳосил қилади ва унда йиғила бошлайди. Инсон миясида ҳам худди ша каби жараён содир бўлади: маълумотлар, тажрибалар – бу ўз ортидан из қолдирувчи сув, чуқурча – бу фикрлаш шаблони).

Шаблонлар икки омилга - инсоннинг қабул қилиши ва тажрибаси кўра ҳосил бўлади. Шаблонлар ҳаётимизни муҳофаза қилган ҳолда тезкор қарорларни топишимиз учун зарурдир. Улар тез ва мустаҳкам ҳолда яратилади ва кундалик масалалар ечимида кўмак беради. Гулни эҳтиёткорлик билан узишни ўрганиш учун бир марта унинг тиканидан озор чекиш кифоя.

Шаблонлар креативликни ифодаламайди. Шаблонлар асосида фикрловчи киши ҳеч қандай ўзига хос нарсга ярата олмайди. Янгилик яратиш учун миянинг одатий фаолиятига умуман мос тушмайдиган “сувнинг кумдаги чуқурчадан бошқа тарафга сизиб кетишига имкон яратиш” лозим.

Ғоянинг келиши – таҳдид қилмаган оҳангда “Нима учун” деган саволни беришга мўлжалланганускунадир: нима учун нимадир содир бўлади, нима учун бу қандай қилинса, шундай қилинади. Натижа “Нима учун?” деган саволга янги ғояларни ўйлаб топишга олиб келувчи энг аниқ жавоб тушунчаси ҳисобланади. Мақсад нафақат муаммоли вазиятларда, балки ҳар қандай ҳолатда баҳсга киришиш имконига эга бўлишданиборат.

Замонамиз тадқиқотчилар томонидан аллақачон ўрганиб чиқилган ностандарт тафаккур ривожига оид бир неча фикрлар мавжуд. Масалан, ҳозирда қуйидагилар машҳур:

-юқори интеллект ижодий фикрлашгатеинг қобилият эмас;

-ижодий фаолият миянинг фақат ўнг ярим шаригагина боғлиқ эмас, ижод жараёнида ҳар икки ярим шарлар зарур ва муҳим.

Олимлар агар миянгиз бўлса, сиз ностандарт фикрлашни ўргана оласиз, деб таъкидлайдилар. Фақат махсус воситаларни ишга солиш зарур (ҳар бир ишнинг амалларни бажариш предмети мавжуд, яъни дурадгорда ускуналар солинган кути, шифокорда тиббиёт ускуналари бўлади). Турли тадқиқотчилар ностандарт фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда бу ускуналар тўпламини турлича талқин қиладилар. Қадимги Юнонистонда эвристик саволлар методи қўлланган. Кашфиёт масалаларини ечиш назарияси муаллифи Генрих Саулович Альтшуллер фикрни одатдаги чегарадан чиқаришнинг 76 усулини яратган.

BBD&O реклама агентлиги ишчиси Алекс Осборн барчага таниш бўлган “ақлий ҳужум” методини яратар экан, инсонлар танқиддан қўрқмай, миясига

келган барча фикрни айтсалар, фойдали қарор пайдо бўлиши мумкинлигини айтади.

Эдвард де Боно томонидан ёзилган китобларни ўқиб кўринг. Албатта, ушбу мақолада ностандарт фикрлашни машқ қилиш методлари ҳақида кўп нарсa ёзиш мушкул. Бироқ, Эдвард де Бононинг бир қолипдаги ва фикрлашнинг мавжуд моделларини четлаб ўтишга оид бешта қондасини санаб ўтиш мумкин:

- содир бўлаётган ҳодисаларга нисбатан шубҳали қараш (нима учун миждозлар сотиб олишади, сотувчилар эса – сотишади? Балки, аксинча бўлиши керакдир? Инсонлар шу орқали ўз-ўзига хизмат қилинадиган дўконларни ўйлаб топишган);

-бир нечта турлича усулларни умумлаштириш (ҳар доим масала ечимининг вариантлари бир қанча бўлади, шунчаки уларни кўриб чиқиш зарур ва буни “синчиклаб”бажариш керак);

-янги ғоялардан мағрурланиш ва уйддалашга интилиш лозим (ҳеч нарсa чиқмайди, деб ким айтди? Ечим ҳар доим топилади! Иждокор инсонлар ҳар доим таваккалга қўл урадилар);

-чекиниш мумкин бўлган янги кириш нуқталарини топиш (агар дарё сувини плотина орқали чегаралаб қўйилса, сув бошқа йўл топишга мажбур бўлади. Айтгандай, бошқа кириш нуқтасини ҳазил-мутуйиба орқали ажойиб тарзда тасвирлаш мумкин).

Эдвард де Боно онгга оид “телефон линияси” деб аталувчи ғаройиб усулни ўйлаб топган. Айтишларича, у тез-тез таътилга чиқиб, мусиқа тинглар, қушларнинг сайрашини эшитар, боғдорчилик билан шуғулланар экан. Муҳими, таътил пайтида ҳеч нарсaга диққатиниқаратмаслик. Мия дам олаётганида, онгмунтазам хабарларни жўнатиб туради. Улар,одатда, ностандарт хабарлардан иборат. Шу тариқа де Боно реклама акциялари ва матнларни “яратади”. Нима учундир менга сиз билан биз ҳам шу усулни осонгина ишлата олишимиз мумкиндек туюляпти.

Шу ўринда бир неча маслаҳатни айтиб ўтмоқчиман:

1.Тасаввурингизни шакллантиринг (барча ҳис қилиш органларингизни ишга солинг), бир хил қолипдаги фикрлардан қочинг. Айнан улар бизнинг фикрларимиз кўринишини белгилашини эслайсизми?

2.Миянгиизни “озиклантиринг”: Фантастикага оид яхши адабиётларни ўқинг, мулоҳаза қилинг ва таҳлил қилинг. Г.А.Альтшуллернинг ҳисобича, Ж.Верннинг 108 тадан 99 та, Г.Уэллснинг 86 тадан 77 та, А. Беляевнинг 50 тадан 47 та башорат қилинган ғоялари қўлланилади.

3. Миянинг “қотиб қолиши”га йўл қўймасдан, доим машқ қилдиринг. Юқорида келтирилган де Бононинг 5 қондасига қаранг: одатий нарсаларга шубҳа билан қаранг. Ўзингизни иждодий тўхтамлар қилишга унданг ва уларни ёдда сақлаб қолинг (шу ерда ғоя бўлиши лозим). Ўзингизга ўзингиз шарт қўйинг. Ўзингизга ғайриоддийсаволлар беринг. Турли вариантларни изланг. Бир фикрга бўлган қарашларингизни алмаштириб кўринг. Ўзлаштирилган малакалар ҳар қандай вазиятда сизга иждодий ечимларни топиш имконини беради.

4. Ҳар қандай бўш дақиқани одатдаги ноодатий нарсани топишга сарфланг.

5. Изланишдан тўхтаманг, ностандарт масалаларни ечиш – мураккаб жараёндир, фақат ўз устингизда тизимли ва узлуксиз ишласангизгина исталган натижага эришишингиз мумкин.

6. Янги ғояларни ўйлаб топиш қоидасини ёдда тутинг. Мисол учун бир кунда бештадан ғоя ўйланг. Ҳаттоки, креатив бўлмаган ва умуман ўзингиз амалда қўлламайдиган, маъносиз ғояларни ҳам ёзиб боринг.

7. Ғояларингизни сақлаб қўйинг: вақт ўтиши билан сизга қизиқ туюлган ғояларни қўлласлигингиз мумкин, нуқтаи назарингизни ўзгартиришингиз ёки мавжуд ғоялар асосида янги ғояларни яратишингиз мумкин.

8. Ҳар бир ижодкор киши таваккал қилиш қобилиятига эҳтиёж сезади ва ўз қарорингиз учун жавобгарликдан чўчимаслигингизга ишонч ҳосил қилинг.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳаёти тасаввур этиш, фикрлаш, хотирада сақлашкаби жараёнлар ичида кечади. Ностандарт фикрлаш, ностандарт тафаккурни ривожлантириш орқали, ҳатто узоқ муддат ичида бўлса ҳам, янги ғоялар туғилиши мумкин. Бу жараён ҳарбий хизматчилар фаолиятида янада муҳим ўрин тутган ҳолда, энг мураккаб ва қийин вазиятлардан чиқиш учун ноодатий, бироқ самарали қарорлар қабул қилишда қўл келади.

SYNOPSIS

This article is about importance of creativity non standart approach.